
Озиқ-овқат захираси: “Пиёздан муаммо бўлмайди”

Бағдод туманида 2022-2023 йиллар қиш ва баҳор ойларида аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида, ижтимоий соҳа, “Дехқон бозори” МЧЖ ҳамда қишлоқ хўжалиги корхона ва ташкилотлари томонидан захиралар яратилмоқда. Жумладан, аҳолининг пиёз маҳсулотига бўлган талаби 1 минг тоннани ташкил этиши ҳисоб-китоб қилинган бўлиб, ҳозирда “Арамат Багдада” масъулияти чекланган жамияти ва “Бераки” хусусий корхонаси томонидан 1 минг 100 тонна пиёз захираси яратилган.

Бугун туман ҳоқими Юсуфжон Хусаинов мавжуд сақлов омборларида бўлиб, захирага олинган маҳсулотлар ва уларнинг сақланиш шароитларини кўздан кечирди.

Бағдод тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати.

2022-10-31 18:09:46